

Хабар

8
(962)-son

25-fevral

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ: ФУРСАТ ОЗ, ИШЛАР КЎП



Рақамли телевидениега ўтиш масаласи айни куннинг энг қизғин муҳокама қилинаётган масалаларидан бирига айланган. Бу бежизга эмас, албатта. Гап Ўзбекистоннинг тўлиқ рақамли телевидениега ўтиши белгиланган умумиллий лойиҳа ҳақида кетмоқда. Мазкур лойиҳанинг босқичма-босқич ва изчил бажарилишини таъминлаш мақсадида Президентимиз қарори билан Ўзбекистон Республикасида рақамли телерадиоэшиттиришга ўтиш масалалари бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этилган. Ушбу гуруҳга илғор халқаро тажрибани инobatга олган ҳолда рақамли телевидениега ўтиш билан боғлиқ асосий муаммоларни ва уларнинг ечимларини аниқлаш ҳамда 2010-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида рақамли телерадиоэшиттиришга ўтиш бўйича чоратadbирлар Давлат дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Кўзда тутилаётган Давлат дастурига мувофиқ, рақамли шаклга ўтиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда, яъни 2015 йилгача республикамизнинг барча йирик шаҳарларида рақамли узаттичлар ўрнатилди ва телерадиоэшиттириш бўйича 70 фоиз қамровга эришиш белгиланган. Иккинчи босқич 2018 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади ва мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларини рақамли телевидение билан юз фоиз қамраб олиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

5-бет

Сўнги янгилик!

Хитойнинг Lenovo компанияси ишлаб чиқараётган ThinkPad T ноутбуклари оиласи яна учта янги маҳсулот ҳисобига кенгайди. Компания вакилларининг маълум қилишича, уларнинг аккумуляторлари 15 соатгача ишлашга етади.

Lenovo ThinkPad T420s ва T420ga 14 дюймли дисплей ўрнатилган бўлса, T520 русумли ноутбук 15,6 дюймли дисплейга эга.

Юқоридаги компьютерларга Intel Core i3, i5 ва i7 процессорлари ўрнатилган, амалиёт хотираси 8 гигабайтгача бўлиб, Wi-Fi, WiMAX, EV-DO, HSPA технологияларини қўллаиди.

Алоқа оламида:

Ушбу сонда:

Телекоммуникациялар ривожланиш ҳолати ва истиқболлари	2
Оғиримиз енгил, мушкулумиз осон	3
В УзАСИ состоялась встреча с компанией «Nobel»	6
Жамоа шартномалари – ижтимоий ҳимоя кафолати	12
Юрт хизмати – олий саодат	14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Интернет ҳамкоримиз

UzNet сифат рамазонда

Internet Service Provider

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 феврал куни Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий ва сармоя соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатаси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг мажлиси ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси қўмитанинг 2010 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 18 феврал куни Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуманда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ушбу олий ўқув юрти журналистика факултети ўқитувчилари томонидан тайёрланган "Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик", "Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари", "Интернет: 100 саволга 100 жавоб" китобларининг тақдими ўтказилди. Мазкур ўқув-услубий ва ўқув қўлланмалар мактаб, академик-лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган.

Бухоро вилоятида ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Академик лицей ва касб-хунар коллежлари куни" деб эълон қилинди. Шу мақсадда вилоят ҳокимлигининг ҳаракат дастури ишлаб чиқиши.

Италиянинг Сан Петро шаҳрида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир қатор тadbирлар ўтказилди. Мазкур тadbирларда Италиянинг Кампания ҳудудида жойлашган бешта шаҳри маъмурияти раҳбарлари, Европарламентга сайланган депутатлар, илмий-академик доиралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда кўплаб саяёҳлик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этди.

Телекоммуникациялар ривожланиш ҳолати ва истиқболлари

Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг ривожланиш ҳолати қандай ва истиқболдаги вазифалар нималардан иборат? "Ўзбектелеком" АК Мухандислик-техник марказида ташкил этилган брифингда журналистлар бу ҳақда етарлича маълумотга эга бўлишди ва ўзларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди.



Йиғилишда "Ўзбектелеком" АК бош директори М.Маҳмудов компаниянинг 2010 йилдаги фаолияти яқунларини шарҳлаб, 2011 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Маълумот берилишича, республикамиз вилоят, туман марказлари ва шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраш даражаси 100 фоиз, қишлоқ аҳоли масканларини телекоммуникация тармоқлари билан қамраш 95,7 фоизга етказилган.

Ўтган йили компаниянинг халқаро пакетли коммутация маркази сифими қарийб икки баробарга оширилиб, 2,8 Гбит/с.ни ташкил этди ва интернет хизматлари учун тарифлар 1510 АҚШ долларидан 755 долларгача, яъни 50 фоизга арзонлашди. Интернет провайдерлари томонидан истеъмолчиларга тақдим этилаётган интернет хизматлари ўртача нархи 2010 йил якунига келиб 338 сўмни ташкил этди. Фойдаланувчилар сони ҳам шунга мос равишда 2010 йил бошига нисбатан 58 фоизга ўсиб, 4,6

миллиондан 7,4 миллионга ошган.

2011 йилда ҳам компания фаолиятини ривожлантириш ҳамда янада кенгайтиришни режалаштирган. Хусусан, 70 минг абонентга мўлжалланган кенг полосали интернет хизмати кўрсатиш учун ускуналар етказиб бериш ва ўрнатиш; Термиз, Қарши, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус шаҳарлари ва бошқа вилоятлар марказларида маълумотлар узатиш тармоғини 10 Гбит/с.гача кенгайтириш ва модернизация қилиш; оптик технологиялар орқали хонадонларга мултисервис хизматлари кўрсатишни кенгайтириш учун ускуналар етказиш ва ўрнатиш каби ишлар кўзда тутилмоқда.

2011 йил давомида мамлакатимизнинг шимолий минтақалари ва Фарғона водийси миллий контент (ахборот ресурслари) инфратузилмасини кенгайтириш учун ДаТамарказ ускуналарини ўрнатиш, давлат ахборот ресурсларини жойлаштиришга қаратилган ҳисоблаш қувватини 18 Тбайтдан 40 Тбайтгача ошириш, таълим жараёнига кенг

полосали интернетни жорий этиш мақсадида республикамиздаги барча олий ўқув юр்தларини қамраб олувчи "Электрон таълим" миллий тармоғини барпо этиш, кейинчалик бу тармоққа барча касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларини улаш каби ишларни амалга ошириш ҳам компаниянинг 2011 йилги иш режасига киритилган.

Брифингда компания филиаллари энди янги ном — "Uztelecom" (миллий оператор) бренди остида фаолият кўрсатишга ўтиши маълум қилинди. Интернет хизматлари учун "Uz-Online" бренди таъсис этилган бўлса, мобил абонентлар учун "UzMobile" бренди сақлаб қолинди. Келгусида республикамиз бўйлаб "ягона ойна" тамойили остида абонентларга барча турдаги: стационар алоқа ва интернетдан тортиб, CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа хизматларигача тақдим этилиши режалаштирилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Собит АҲАДОВ

БАНКИРЛАР УЧУН СЕМИНАР

"Оқтош" дам олиш масканида ОАТ "Алоқабанк"нинг бошқарув аъзолари, бошқарма бошлиқлари ҳамда филиаллар раҳбарлари учун "Ўзбекистон Республикаси молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари" мавзуида семинар ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академияси, Шарқшунослик институтининг фан арбоблари, халқаро тоифадаги психолог ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси раҳбар ходимлари ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Маърузаларда халқаро банк тизими ва уни бошқариш тамойиллари, шахснинг ривожланиш стратегияси, муомала маҳорати, етакчилик тамойиллари, жамоада ўзаро муносабат ва кўмаклашишни босқичма-босқич тиклаш, Марказий Осие ва Ўзбекистон тарихи, аҳоли омонатларини жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ва халқаро тажриба, тижорат банкларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, почта алоқаларининг ривожланиш истиқболлари ва муаммолари, ахборот технологияларининг миллий ва халқаро миқёсда ривожланиши ва бошқа мавзулар ўрғана ташланди.

Ҳозиржавоблик

ОАТ "Алоқабанк"нинг Сурхондарё вилояти филиалида тadbиркорлар хонаси ташкил этилди. Жамоа аъзолари йўлга қўйилган бу янгилик билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига ўз вақтида амалий жавоб беришди.

Банкнинг тadbиркорлар хонаси ислохотлар даври талаблари даражасида жиҳозланган. Президент фармон ва қарорлари, тadbиркорликка оид қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар ташриф бўяраётган мулкдорларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, ўз бизнесини илк бор бошлаш ниятида бўлган ва касаначилик билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар ҳам банк ходимлари суҳбатидан тўлақонли баҳраманд бўлишяпти. Уларга қисқа ва узоқ муддатли ҳамда имтиёзли кредитлар олиш, сармояни мақсадли ишлатиш йўллари ҳақида етарли тушунчалар берилмоқда.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик мамлакатимиздаги ижтимоий ва сийсий барқарорликнинг қоядай мустаҳкам қанотига айланиб бормоқда. Умид қиламизки, унинг янада раванқ топишида "Алоқабанк"нинг Сурхондарё вилояти филиалида очилган тadbиркорлар хонасидаги амалий ишлар ўзига яраша муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Н.ЗИЁЕВ,

"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Оғиримиз енгил, мушкулумиз осон

Юртимизда компютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш ва шу асосда ахборотлашган жамият сари жадал интилиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ахборот-коммуникация технологиялари негизда ахборотлашган жамият барпо этиш Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Асосийси шундаки, ахборот-коммуникация технологиялари ҳозир нафақат идоралар ва бошқаруви девонларида ишламоқда, балки оддий фуқароларнинг уйлари ҳам кириб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ҳамда 2007 йил 23 январдаги “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида” ги қарорлари худди шу мақсадда қабул қилинган.

Жойларда ушбу қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда соҳага эътиборни янада ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача телекоммуникация тармоғини ривожлантириш миллий

Дастури” ишлаб чиқилган эди. Бугунги кунда Дастурда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан мамлакатимиз миқёсида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилганлиги намоён бўлаётган. Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада эътиборга молик ишлар кўзга ташланади.

2003 йилда Қарши шаҳрида “HUAWEI TECHNOLOGIES CO.LTD” компаниясининг “С&СО8” русумидаги электрон автоматик шаҳарлараро телефон станцияси қурилган эди. Мавжуд рақамли станция сифими 60 портга кенгайтирилиб, 140 портга етказилди. Хитой “Тараққиёт банки” кредити ҳисобидан 2008 йилда умумий сифими 27584 абонент рақамдан иборат бўлган “HUAWEI TECHNOLOGIES CO.LTD” компаниясининг “С&СО8” русумидаги янги рақамли телефон станциялари келтирилиб, монтаж қилинди. Туманлардаги марказий телефон станцияларини такомиллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар бажарилди. Натигада Шаҳрисабз ва Бешкент шаҳарларидаги марказий HOST станцияларига 9тадан станция боғланиб, аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш даражаси ортди. Булар баробарида иқтисодий ўзгаришлар ҳам кўзга ташланмоқда. 2010 йил якуни бўйича жами 4224310,5 (тўрт миллиард 224 миллион 310 минг 500) сўм даромад олиниб, шундан асосий фаолиятдан олинган даромад 3542260,0 (уч миллиард 542 миллион 260 минг) сўмни ташкил этди.

Қарши ва Термиз шаҳри оралиғида давлат аҳамиятига молик магистрал халқаро оптик толали алоқа линия қурилиб ишга туширилди. Ушбу трасса йўналишидаги Ғузор, Деҳқонобод ва Қорашина масканларида янги рақамли АТСлар мазкур алоқа линиясига улашиш имконини берди.

Оптик толали линия ўтказиш ишларида Тошкент ахборот технологиялари университети, унинг Қарши ва Сама-

рқанд филиаллари талабалари иштирокда тузилган “Бунёдкор ёшлар” меҳнат отряди жамоаларининг ҳам ҳиссаси бор. Қишлоқлардаги АТСларнинг аксарияти муқобил турда бўлиб, сифати паст эди. Улар фаолиятини яхшилаш ҳамда кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кичик сифимли коммутация қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Қишлоқ жойларига сифими 112, 160, 208-320 рақамдан иборат “Эл-СГМ” рақамли коммутация қурилмалари кириб борди.

Вилоятдаги эски аналог русумидаги станциялар реконструкция қилиниб, 2816 портдан иборат “Эл-СГМ” ускуналарини ўрнатиш режаси тузилган эди. Ҳозиргача 16та ана шундай қурилма ишга туширилиб, аҳоли замонавий телефон алоқасидан баҳраманд бўлди. Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва аҳоли хонадонларига интернет тармоғини олиб кириш, электрон маълумот узатиш, видео-аудио конференциялар ўтказиш имкони пайдо бўлди.

Вилоят аҳолисига филиал томонидан юқори тезликдаги интернет хизмати (ADSL) кўрсатила бошлаганига кўп бўлмаса-да, 2011 йилнинг 1 феврал ҳолатига кўра, 1210 нафар абонент бу хизмат туридан фойдаланмоқда. Замонавий тезкор технологиялар оғиримизни енгил, мушкулумизни осон қилипти. Қисқа вақт ичида дунёнинг исталган нуқтасидан истаганча маълумот олиш имконияти яратилляпти. Тезкор ахборот алмашуви йўлга қўйилган. Бу борада ҳеч қандай тўсиқ ёки муаммо йўқ. Бу жараён мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида ҳам изчил амалга ошириляпти.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

AKM HAYOTIDAN

ХАРИЕТ КЕЛЕР ИЖОДИ САМАРҚАНДА

Қатор йиллар мобайнида А.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Гёте институти билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Яқиндан АКМнинг хорижий адабиётлар сектори залида немис ёзувчиси Хариет Келернинг “И стоит тишина” номли романининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирга Самарқанд давлат чет тиллар институти талабалари ҳамда шаҳардаги немис тилига ихтисослашган умумтаълим мактаби ўқувчилари ташриф буюришди. Кечани Натали Антковиак ва Хана Мут романдан парча ўқиш билан бошлаб беришди.

Инсоний туйғулар маромига етказиб фойдаланган ушбу роман барча иштирокчиларга маъқул келди. Иштирокчилар роман тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазалари, савол-жавоблари, мушоҳадалари билан ўртоқлашдилар.

ТАҚДИМОТ

ТАТУ Самарқанд филиалида А.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази фаолиятига доир тақдимот ўтказилди. Унда ЎзААА Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари Д.Хўжанбердиев, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали бошлиғи Ш.Йўлдошев, АКМ директори Ш.Аҳмедова, талабалар ва ўқитувчилар иштирок этдилар.

Тақдимотда АКМ умумий ўқув зали сектори мудири М.Усмонова “АКМнинг ҳозирги иш фаолияти”ни электрон кўринишда тақдим этди. Шундан сўнг марказ маънавият ва маърифат, ёшлар билан ишлаш бўлими бош кутубхоначиси З.Шаронова ўлкашунослик ва санъатта доир янги адабиётларни шарҳлаб берди.

Филиал ахборот-ресурс марказига АКМ фаолияти туширилган диск ҳамда янги китоблар тақдим этилди.

Махбуба КУЛОВА,
АКМ бўлим мудири

Matlab 6.5 ТАТУ Фарғона филиалида



Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида замонавий ўқув лабораторияларини ташкил этиш ва ўқув жараёнига қўллашга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, талабалар электроника ва схематехника фанларини чуқур ўрганишлари учун синаш ва тажрибалар ўтказишлари муҳимдир.

Кейинги йилларда электр ва электрон схемаларни ҳисоблаш воситалари тезлик билан ўзгариб бормоқда. Тажриба машғулотларини олиб бориш учун замонавий ўқув жиҳозлари ва элемент базиси даркор, бу эса катта маблағни талаб қилади.

Персонал компютерлар (ПК) ҳаёти-мизга жадал сурьатлар билан кириб келди ва уларнинг имкониятлари ортиб бормоқда. Электрон схемалар таҳлили бўйича ПКларнинг дастурий таъминоти фақат ҳисоблашларнинг алгоритмлари ва сонли таҳлил усулларини ривожлантириш йўналишидагина эмас, балки ҳар хил схемалар (аналогли, рақамли, рақамли-аналог, импульс ва бошқалар) билан тажрибалар ўтказиш учун виртуал муҳитни яратиш имкониятини берувчи фой-

даланувчи учун қулай интерфейсни яратиш йўналишида ҳам ривожлантиряпти.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ПКнинг фойдаланувчи интерфейсини яратиш соҳасида ютуқлар шу даражада таъсирлики, улар схемаларни тадқиқ қилишга бўлган анъанавий услубий қарашни кескин ўзгартиришга олиб келади.

Персонал компютердан кенг фойдаланиш анъанавий ўқув лабораторияларида муқобил виртуал лабораториялар яратилишига замин ҳозирлайди.

Яқинда Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти мутахассислари Matlab 6.5 Electronics Workbench дастури асосида яратилган виртуал лаборатория стендларини ТАТУ Фарғона филиали талабаларига тўхфа этишди. Улар таркибда электроника бўйича 50та ва телекоммуникация асослари бўйича 40та лаборатория иши мавжуд.

Бунда моделлаш реал жараёнга максимал даражада яқинлаштирилган, яъни схемани тузиш, унга ўлчаш ускуналари ва осциллографни улаш, схема элементларининг параметрларини ҳамда ишлаш

тартибларини ўрнатиш ва натижаларни олиш жараёнларини ўз ичига олади.

Дастур таркибда замонавий ускуналарнинг мавжудлиги фойдаланувчига оддийдан бошлаб жуда мураккаб тажрибаларни ўтказиш имкониятини беради. Бундан ташқари, дастур реал электрон ва ўлчаш ускуналари ҳамда схемаларнинг ишлаш тамойилларини ўрганиш учун тренажёр вазифасини бажариши мумкин.

ЎзРЭАЖ мутахассислари бу виртуал лаборатория стендларини филиалнинг тўртта компютер синфидаги 60та компютерга ўрнатиб, фойдаланишга топширишди. Ҳозирги кунда ўқув жараёнида ушбу лабораториядан кенг фойдаланилмоқда.

Шунингдек, ЎзРЭАЖ раиси ўринбосари профессор М.Муҳитдинов филиал ёш илмий изланувчилари, магистрлари ва иқтидорли талабаларига илмий тадқиқот ишларини олиб бориш юзасидан маслаҳатлар берди.

Аббос ҚҮЛДОШЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали
кафедра мудири

Xalqaro hayot



НЕФТ БАХОСИ ОШМОҚДА

Британиянинг Brent маркали нефти баҳоси Сингапур фонд биржаси савдоларида чоғида баррели бир доллардан зиёдрокқа кўтарилган.

Экспертлар ушбу ҳолатни Ливиядаги тартибсизликлар билан боғлашмоқда. Сабаби, Ливия ОПЕК аъзоси ва катта ҳажмдаги нефт ва газни етказиб беради. Мамлакат ҳудудида Британиянинг BP Plc, Американинг Exxon, Италиянинг ENI ва бошқа энергетика компаниялари иш олиб боради.

Миср: МУХОЛИФАТ

МУЛОҚОТНИ ИСТАМАЯПТИ

Миср ҳукумати сиёсий партиялар билан мулоқот бошлаши ҳақида маълум қилди.

Мамлакат давлат телевидениесида дастлабки мулоқотни вице-президент Умар Сулаймон ҳамда бош вазир Аҳмад Шафиқ бошлаб беради. Шафиқнинг айтишича, мулоқотлар давомида мамлакатдаги ҳозирги ҳолатдан чиқиш йўллари ни топишга ҳаракат қилинади.

Учрашув Миср ҳукумати биносида бўлиб ўтади. Ўз навбатида, “Муслумон биродарлар” ва “Кефайя” бирлашган ҳаракати президент Хусни Муборак кетма-кет ҳукумат билан мулоқот қилишни истамалигини ошқора айтган. Муҳолифат етакчиси Муҳаммад ал-Барадей эса Муборак истеъфосигача мулоқотда иштирок этишни рад қилган.

ЛОНДОНДА ГАГАРИН ХАЙКАЛИ ЎРНАТИЛАДИ

“Роскосмос” раҳбари Анатолий Перминов ёз ойда Лондон марказида Ернинг биринчи космонавти Гагариннинг хайкали ўрнатилиши ҳақида маълум қилди. “Мен жуда бахтиёрман ва Лондон марказида Юрий Гагариннинг хайкалини ўрнатиш қарорингиз учун сизларга миннатдорчилик билдираман”, деган у Буюк Британия таълим ва фан вазири Дэвид Уиллетсга “Роскосмос”даги учрашувда.

Гагарин хайкали капитан Жеймс Кук хайкали қаршисида ўрнатилади.

СУПЕРКОМПЮТЕР МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Эрон Ислом Республикасида сўнгги кунларда мамлакатда ишлаб чиқарилган юқори технологик компютерлардан фойдаланадиган иккита марказ ташкил этилди.

Феврал ойининг бошида Эронда микропроцессорнинг тезлиги 34000 MHz га тенг бўлган суперкомпютер ишлаб чиқарилгани ҳақида хабар берилган эди. Мамлакат президентининг фан ва технологиялар бўйича ёрдамчиси Салар Амулининг сўзларига кўра, миллий компютер жорий йилда фойдаланишга тайёр бўлади ва дунёнинг энг кучли беш юзта компютери қаторидан ўрин олади. “Суперкомпютер мамлакат фан ва технологиялар соҳасидаги янгилаштирилган натижасида ишлаб чиқарилди. Ундан сейсмология, мудофаа, ядро физикаси ва бошқа турли масалаларни ҳал этишда фойдаланилади”, деган Амули.

ЛИВИЯДА ТОБОРА КЕСКИНЛИК

Ливиядаги жараён авиация ва артиллерияни қўллаш натижасида тобора ҳарбий ҳаракат тусини олмақда. Оммавий норозилик акциялари янгидан-янги туманларни қамраб олмақда, ҳукумат кучлари эса уларни тўхтатиш учун янада қаттиқ усуллари қўллашга мажбур бўлмоқда.

Жаҳон ОАВлари мамлакатнинг Триполи, Бенгази, Аз-Завия шаҳарларида вазиятни ўнглаш бўйича ҳарбий амалиёт бошланганини маълум қилишмоқда. Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти эса юзлаб қурбон бўлганлар ва минглаб яраланганлар ҳақида гапиряпти. Al Jazeera телеканали хабар беришича, пойтахт Триполи кўчалари ёлланма қўғилларга тўлиб кетган, улар аҳолини ўққа туттишмоқда, шифохоналардаги шифокорлар ва яраланганларга ҳужум қилмоқда.

Интернет материаллари асосида
У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

WWW

ИНТЕРНЕТ УМР ЗАВОЛИ...

Пекин (Хитой)да 33 ёшли фуқаро деярли бир ой вақтини интернет-кафеда ўтказиш оқибатида вафот этган. Интернет-кафе соҳиблари марҳум 27 кун давомида шу ерда бўлганини ва овқати фақат тез тайёр бўладиган лағмон (“ролтон”)дан иборат бўлганини айтишган.

Айни пайтда ноқонуний фаолият кўрсатган мазкур интернет муассасаси текширув муносабати билан ёпилиб, компютерлари мусодара қилинган.

Сўнгги маълумотларга қараганда, Хитойда интернетдан фойдаланувчилар сони 475 миллион кишидан ошади. Расмий статистикага кўра, 33 миллион хитойлик интернетта қарамликдан азият чекмоқда.

WMC-2011



НТС – ЭНГ ЯХШИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

Барселона шаҳри мезбонлик қилган Бутунжаҳон мобил конгресси (World Mobile Congress, WMC)да соҳанинг энг нуфузли мукофоти – “2011 йилнинг энг яхши ишлаб чиқарувчиси”ни тақдирлаш маросими ўтказилди. Мукофот GSM Association (GSMA) халқаро ташкилоти томонидан таъсис этилган.

Демак, йилнинг энг олий мукофоти Тайваннинг НТС корпорациясига насиб этди. Компания Apple ва Samsungни ортда қолдирди. GSMA ҳакамлар ҳайъати ўз қарорини шундай изоҳлаган: “Мобил телефонлар бозорига кириб келиши биланок, НТС компанияси бренд ва маркетингга янгича ёндашувни, турли платформалардаги электрон қурилмаларини таклиф этди. Компания телефонлар ишлаб чиқарувчиси сифатида ном қозонди. Мижозларга муносабати ва хизмат кўрсатиши ибрат олишга арзийди. Бир сўз билан айтганда, мукофот ҳақиқий эгасини топди”.

Йилнинг энг яхши телефони сифатида эса Apple iPhone 4 аппарати эътироф этилди.

KOMPYUTERLAR

ШАХСИЙ КОМПЮТЕРЛАР ҲОКИМЛИГИ ТУГАДИ

2011 йили бевосита шахсий компютерларга мансуб бўлмаган компютер қурилмаларининг жаҳон бозоридаги улуши 50 фоиздан ошиши кутиляпти. Бу воқеа шахсий компютерларнинг ҳисоблаш техникаси бозоридаги ўттиз йиллик танҳо ҳокимлигига нуқта қўйиши мумкин.

Агар 2009 йили шахсий компютерга нисбатан имкониятлари пастроқ нетбуқлар харидориги ҳисобланган бўлса, энди вазият бутунлай ўзгарди, аввалгиларига сира ўхшамайдиган янги аволд компютерлари: планшет компютерлар ва смартфонларга талаб ошиб кетди.

Айрим кузатувчилар планшетларга профессионал қурилма сифатида ишонқирамай қарашаётган бўлса-да, 2011 йили мазкур қурилмаларнинг 10 миллионтасини айнан корпоратив мижозлар харид қилиши кутиляпти.

“СМАРТБУК” КИМНИКИ?

Германиянинг патент ва савдо белгилари идораси “смартбук” атамасидан фойдаланиш бўйича ишни Qualcomm компанияси фойдасига яқунлади.



Компютерлар ишлаб чиқарувчи немисларнинг Smartbook AG компанияси “смартбук” атамасидан мини-компютер ишлаб чиқарувчилари, журналистлар ва блогерлар фойдаланмаслиги кераклиги тўғрисида даъво билан чиққан ва ҳатто ўтган йили суд орқали АКШнинг Qualcomm компаниясини ютиб ҳам чиққанди.

Бироқ энди вазият бутунлай ўзгариши мумкин. Эслатиб ўтамиз, клавиатурали, смартфон ва нетбук оралигидаги мини-компютерни смартбук деб


аташ расм бўлган. Смартбукларда тўрт асосий хусусият бўлиши шарт: ARM-архитектурали процессор, электр токига уланмасдан узоқ вақт ишлаш, Linux амалиётлар тизими ва нархи 200 доллардан юқори бўлмаслиги керак.

TEKNOLOGIYALAR

ЗАРЯДЛАШ МОСЛАМАСИ СУВДА ИШЛАЙДИ

Швецияда ўзига хос зарядлаш мосламаси ишлаб чиқилди. У электр энергиясини қуйилиб турган сувдан олади. PowerTrek Fuel Cell Charger деб номланган бу қурилма тез кунларда сотувда пайдо бўлиши маълум қилинган.

Зарядлаш мосламаси USB-кабел орқали мобил телефон, GPS-навигатор, медиаплеер сингари қўллаб-қувватловчи электрон қурилмалар билан боғланиши мумкин.



2015 йилгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш бўйича комплекс дастурнинг амалга оширилиши биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига 2011 йилда Нукус, Урганч, Андижон ва Қарши шаҳарлари телемарказларида замонавий рақамли узатиш ускуналарини ўрнатиш, аҳолини рақамли форматдаги теледастурлар трансляцияси билан камраб олишни 23 фонздан 37 фонзга ошириш, шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонасида рақамли телевидение учун махсус мосламалар ишлаб чиқариш қувватини 50 минг донага етказиш вазифаси топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якувлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Бу ўзгаришлар бизга нима беради? Албатта, сифатли таъсир ва овозни-да. Бироқ мулоҳазага шоянмайлик. Сифатли таъсирга қайсидир даражада аналогли телевидениеда ҳам эриша бўлади. «Рақам»нинг энг катта афзаллиги шундаки, аҳоли учун намоён этилаётган телеканаллар-

лиги арафасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида рақамли телевидение қабул қилгичлар ишлаб чиқарувчи янги завод – «Telecom Innovation» МЧЖ ишга тушди. Корхона ишлаб чиқариш қувватини йилга 50 мингга қурилма (set-top-box)дан ошириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирил-

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, рақамли радиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича таклифлар билдирилди.

Ушбу йўналишда таклиф этилаётган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши

Сўз — мутахассисга

Абдуносир Нигманов,
“UNICON.UZ” ДУК
директори ўринбосари:

— Телевидение тарихига кўз ташласак, бир неча ўн йилликларни ўз ичига олади ва турли мамлакатларда турлича босқичларда ривожланиб келган. Ҳозир кўзда тутилаётган рақамли телевидениега эса дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан дерайи ёнма-ён ривожланиётган мамлакатларда ҳам ўтиляпти. Рақамли телевидениега ўтиш борасида қисқа ва аниқ муддатлар белгиланган. Бу жуда катта маблағ ва меҳнатни талаб қилади.

Рақамли телевидениега ўтиш масаласи бир-иккита ташкилот билан ҳал бўладиган иш эмас. Рақамли узатиш ва қабул қилишни йўлга қўйиш бир масала бўлса, уни контент билан тўлдирish алоҳида бир масала. Хориж теледастурларининг аксарияти менталитетимизга тўғри келмайди, уларнинг ўрнини боса оладиган сифатли миллий контентлар яратилиши керак.

Шу ўринда ташкиллаш керакки, аҳоли ўртасида рақамли телевидениеда ҳам кабел телевидениедаги каби фақат нулли хизматлар кўрсатилади, деган нотўғри тушуниш мавжуд. Йўқ, ундай эмас: рақамли телевидение ҳозир амалда бўлган аналогли телевидениедан ўрнинга жорий этиляпти ва бутунлай унинг ўрнини эгаллайди. Рақамли телевидениега ўтишдан асосий мақсад, биринчи галда, халқимизнинг ахборот олишига бўлган эҳтиёжини қондириш, таълим-тарбиявий кўрсатувларни кўпайтиришдан иборатдир. Қолаверса, электр энергиясини тежаси, инсон саломатлигига зарар етказувчи электромагнит нурланмишлар тарқалишини қаматириш имкониятлари пайдо бўлади.

Телеканаллар шартли равишда ижтимоий ва тиҷорий пакетларда тақдим этилади. Ижтимоий пакетларда биз аввалдан кўриб келган Ўзбекистоннинг асосий телеканаллари бепул тақдим этилаверди ва уларнинг сони яна кўпайиши аниқ.

Навоийдаги ТВ-тўнерлар заводининг йиллик қувватини 50 мингга қурилмага етказиш кўзда тутилган. Илк тажриба эканлини назарда тутмас, бу жуда катта ишлаб чиқариш. Бироқ юртимиз аҳолиси, оилалар сонидан келиб чиқса, келгусида бу қувватини янада ошириш ёки тўнер ва рақамли телевизорларнинг мамлакатимизга импортини ҳам қўллаб-қувватлашга тўғри келади. Шуниси ҳам борки, четдан келтириладиган рақамли телевизор ёки тўнернинг маълумотларни сикиш стандарти юртимиз учун қабул қилинган – MPEG-4 стандартида бўлиши талаб этилади.

Ҳозир чиқарётган тўнерларимиз сўнги технологияларни қўллагани учун кўпчилик наздида қияматроқ туюлиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб оддий, фақат асосий (бепул) каналларни қабул қилувчи тўнерлар чиқарилса, ўйлайманки, ҳам ишлаб чиқариш қувватини ошириш, ҳам аҳолининг арзон тўнерларга бўлган талабини қондириш имкониятлари пайдо бўлади.

Собит АХАДОВ,
“Хабар” мухбири

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ: ФУРСАТ ОЗ, ИШЛАР КЎП

ни нафақат сифат, балки сон жиҳатидан ҳам бир неча қарра ошириш мумкин. «Рақамлар» ёрдамида битта частотада бтадан 12тагача канални жойлаштириша бўлади. Бу — икки-учта канални зўр-базўр қабул қилаётган энг олис қишлоқларга ҳам 10–20та телеканал намоёнлиши етиб боришини аниқлатади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз телевидениесининг рақамлаштирилиши — ўта улкан ва мураккаб лойиҳа.

Вақт кўтиб турмайди. Рақамли телевидениега тўлиқ ўтилган мамлакатлар тажрибасига разм солсак, аналогли эфир узатишлари белгиланган муддатда тўхтатилган. Демак, аънавий телевидениени «ўчириш» пайтигача рақамлаштириш борасидаги барча муаммолар ечимини топишимиз лозим. Яъни, рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, частоталарни тақсимлаш, рақамли узатгич ва қабул қилгичлар (ТВ-тўнерлар) таъминоти, уларга хизмат кўрсатиш, соҳада рақобатни ривожлантириш ва энг асосий масала — менталитетимизга хос бўлган, таълим-тарбиявий, миллий қадриятларимизни тарғиб қилувчи контент (теледастурлар) ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Рақамли узатиш билан қоплаш

Ҳозирги кунга келиб, Тошкентда 3та (дастурлар сони — 36та), Бухоро ва Самарқандда биттадан (дастурлар сони — 12та) рақамли узатгичлар ўрнатишдан.

«Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» ДУКдан олинган маълумотга кўра, марказ мутахассислари Нукус, Урганч, Андижон, Одамтош (Қарши)даги станциялари бизнеси ва янги узатгичлар ўрнатиладиган жойларни шай ҳолатга келтиришган. Жорий йилнинг январ ойида «Нукус РТСга рақамли телеузатгич етказиб бериш ва ўрнатиш» лойиҳаси бўйича «ROHDE & SWARZ» (Германия) компаниясининг рақамли телеузатгич жамланмаси олинган ва айни пайтда уни ўрнатиш ишлари кетмоқда.

Шунингдек, шу ҳафтада тегишли авиарейс орқали Урганч РТС учун мўлжалланган 2 кВт қувватга эга рақамли узатгич ҳамда Нукус ва Урганч станциялари учун зарур бўлган антенна-фидер қурилмалари етказиб берилиши қутилмоқда.

Рақамли сигналларни қабул қилувчи ТВ-тўнерлар

Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йил-

ган. Лойиҳа «Servetechno PTE» Ltd (Сингапур), «Ўзбектелеком» АК ва «Telmax Elektroniks» МЧЖ ҳамкорлигида амалга оширилди.

Миллий контент

Рақамли шаклга ўтиш юзасидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида қатор ишлар амалга ошириляпти. Чунинчи, 2010 йил декабр ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбатида қатнашган телерадиокомпания раиси ўринбосари Файзулла Юнусов рақамли контентнинг маҳаллий бозорига амалдаги каналлар билан ёнма-ён «Мумтоз», «Маънавият», «Гунча», «Оила», «Хулуд» ва «Кино» каналлари ташкил этилиши ҳақида маълумот бериб ўтди.

Ҳуқуқий асослар

Худди шу тадбирда бу масала депутатлар, давлат бошқаруви органларининг масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ вакиллари томонидан ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Хусусан, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, теледастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни

телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги тамойилларини белгилаб бериш, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш, телерадио соҳасидаги асосий принципларни белгилаш, рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратиш беришини эътироф этишди.

Жаҳон тажрибаси

— J’son & Partners маълумот тарқатишича, 2015 йилга бориб жаҳон рақамли телевидение бозорига 3000та ўрнига 300-500та оператор қолади.

— Шу компаниянинг яна бир маълумотига кўра, жаҳонда рақамли телевидение хизматларидан фойдаланувчилар умумий сони 121 миллион абонентга етган.

— Европада ҳар бир оператор ўртача 200тагача телеканал трансляциясини амалга оширмоқда.

— Келгуси йили рақамли узатишга тўлиқ ўтиш режалаштириляётган АҚШда ТВ-тўнерларни сотишда имтиёзлар қўлланмоқда: мижоз маҳсулотни харид қилишда чегирмаларга эга бўлиши мумкин.

Рақамли телевидение хизматлари

Ўтган йилнинг 21 июнидан мамлакатимизда янги авлод телевидениеси — «UzDigitalTV» МЧЖ абонентларга хизмат кўрсатишини бошлади. Бунгача 2007 йилдан «Maks Layn» компанияси «Stars TV» савдо белгиси остида рақамли телевидение хизматларини кўрсатишини бошлаган. Ҳар икки компания хизматлари каналлар сони ва тарифлар бўйича фарқланади. «UzDigitalTV» келгусида республикамиз бўйлаб хизматларни йўлга қўйишни режалаштирган. Каналлар сони 40тагача етказиш (уларнинг тўрттаси ўта юқори сифатли таъминлайди — HDTV шакл) қўшимча VOD (буортма бўйича видео) хизматлар ва телекўрсатувлар дастури.

«UzDigitalTV» *

Хизмат пакети номи	Каналлар сони	Абонент тўлови (сўм/ойига)	
		Жисмоний шахслар	Юридик шахслар
«Ижтимоий» («Социальный»)	4	бепул	бепул
«Стандарт»	12	4500	6000
«Премיום»	25	10000	13000
«Платинум»	36	15000	18000

*uzdtv.uz

«Stars TV»**

Хизмат пакети номи	Каналлар сони	Абонент тўлови (доллар/ойига)	
		Жисмоний шахслар	Юридик шахслар
«Базовий»	14	\$3	\$3
«Люкс»	24	\$6	\$8
«Премיום»	33	\$10	\$12

*starstv.uz

В УзАСИ состоялась встреча с компанией «Nobel»

17 февраля 2011 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча с вице-президентом компании «Nobel» (США) М.Майзелсом. Представители компании прибыли в Ташкент в составе делегации деловых кругов США для участия в узбекско-американском бизнес-форуме.

Компания «Nobel» является участником глобального рынка телекоммуникаций. Основанная в 1998 году, «Nobel» стала одной из первых компаний, запустивших систему реализации и оплаты телефонных карт через сеть интернет. В настоящее время компания обслуживает около 8,5 млн. абонентов по всему миру, предоставляя различные услуги в сфере телекоммуникаций, включая онлайн продажу предоплаченных вир-

туальных телефонных карт по всему миру, физическое распространение телефонных карт в США, а также ряд сервисов для операторов связи.

В ходе встречи обсуждены возможности сотрудничества между АК «Узбектелеком» и компанией «Nobel». Стороны обменялись мнениями по перспективному направлению сотрудничества в области телекоммуникаций, представляющим взаимовыгодный интерес.



ИСТОРИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ИНСПЕКЦИИ СВЯЗИ

Вот уже 20 лет функционирует Государственная инспекция связи (ГИС), которая была создана постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16 января 1991 года. В течение двадцатилетнего периода ГИС идет по пути развития и дальнейшего совершенствования государственного контроля в сфере связи. За эти годы произошло немало изменений, как в области государственного контроля, так и в деятельности ГИС.

Первоначально задачи Государственной инспекции связи сводились к выявлению эксплуатационных нарушений и недостатков, государственному надзору за состоянием технических средств и их соответствием нормам и стандартам, надзору за качеством предоставляемых услуг с учетом нужд потребителей.

ГИС, являясь структурным подразделением (тогда еще) Министерства связи в основном осуществляла контроль над деятельностью предприятий связи, входящих в структуру министерства.

С развитием рыночных отношений в нашей стране, появлением в сфере связи предприятий (в том числе иностранных) различных видов собственности и услуг, несколько изменилась и деятельность ГИС. В 1998 году после преобразования Министерства связи в Узбекское агентство почты и телекоммуникаций (УзАПИТ), постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан за №293 от 10 июля было утверждено новое положение о Государственной инспекции связи, которым были определены основные задачи усиления государственного контроля над деятельностью хозяйствующих субъектов.

Контроль со стороны ГИС начинается с момента проектирования и строительства и охватывает весьма широкий перечень предоставляемых услуг связи, а также вопросы обеспечения сохранности почтовых отправлений, денежных сумм и их доставки, качества предоставления услуг телерадиовещания, сотовой связи, передачи данных, включая доступ к сети интернет, выполнения условий лицензионных соглашений. И это еще неполный перечень деятельности ГИС по контролю.

В целях обеспечения эффективной координации деятельности в области формирования и распространения телевизионных и радиопрограмм, рационального использования радиочастотного спектра, сетей и систем передачи данных, обеспечения защиты прав потребителей информационных услуг, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №293 от 10 июля 1998 года, была

организована Межведомственная координационная комиссия по совершенствованию и повышению эффективности информационной деятельности и передачи данных при Кабинете Министров Республики Узбекистан и особое внимание уделено усилению контроля в области распространения телерадиопрограмм, обработки и передачи данных (включая интернет).

Вместе с тем, стремительное развитие и внедрение современных информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в различных отраслях народного хозяйства, органов государственного управления и власти на местах, постоянное совершенствование и введение новых нормативно-правовых актов в республике в области ИКТ ставили перед ГИС новые задачи в этой сфере.

Наряду с этим, Законами Республики Узбекистан от 24.12.98 г. «О государственном контроле деятельности хозяйствующих субъектов», от 25.05.2000 г. «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности», Указом Президента Республики Узбекистан от 19.11.98 г. «Об упорядочении организации проверок хозяйствующих субъектов», принятыми на их основе другими нормативно-правовыми актами, регламентирован порядок проведения проверок деятельности хозяйствующих субъектов.

Вследствие чего, коренным образом был пересмотрен порядок проведения проверок хозяйствующих субъектов почты и телекоммуникаций, разработаны нормативные документы «Инструкция о порядке организации и проведения государственного контроля в сфере почты и телекоммуникаций», «Инструкция по проведению проверок деятельности хозяйствующих субъектов, осуществляющих деятельность на сети передачи данных, включая интернет». Для качественного проведения проверок были разработаны и введены в действие типовые акты проверок деятельности операторов, провайдеров и «Интернет-кафе».

Кроме того, учитывая, что специфика деятельности проверяемых субъектов различна, постоянно совершен-

ствовалась структура ГИС и в 1999 году по отдельным направлениям созданы отделы «Обеспечения информационной безопасности и СР», «Санкционирования и работы с жалобами», затем были созданы отдел «Информационно-коммуникационных технологий» и т.д.

В целях обеспечения защиты прав потребителей, улучшения качества оказываемых услуг связи и информатизации, оперативного устранения имеющихся в отрасли проблем и повышения культуры обслуживания в Государственной инспекции связи с 2000 года функционирует служба «Телефон доверия».

В целях совершенствования контроля и обеспечения достоверности устранения, выявленных недостатков при проведении проверок, в 2003 году введен «Временный порядок выдачи предписаний Государственной инспекции связи и их реализации», которым усилен контроль исполнения и установлен порядок снятия с контроля предписаний.

В соответствии с Указами Президента Республики Узбекистан в 2005 году установлен ряд конкретных мер по совершенствованию системы проверок субъектов предпринимательства, развитию малого и среднего предпринимательства, правовой защите от вмешательства в их деятельность контролирующих органов, сокращению количества проверок, усилению ответственности должностных лиц контролируемых органов.

При этом Республиканским Советом по координации деятельности контролирующих органов при Кабинете Министров Республики Узбекистан жестко регулируются проведение проверок, права контролирующих органов ограничены. Об этом свидетельствует тот факт, что ежегодно уменьшается количество проверок.

Вместе с тем, особое значение имеют профилактические мероприятия в виде семинаров (круглых столов), проводимые в последние годы Государственной инспекцией связи с хозяйствующими субъектами по предупреждению возможных правонарушений. Зачастую нарушения допускаются субъектами из-за недостаточной

правовой грамотности. На семинарах (круглых столах) проводимых ГИС разъясняют действующие законодательные и нормативные документы в сфере связи, рассматривают наиболее часто встречающиеся нарушения, выявляемые при проверках. Организуются дни «Открытых дверей» для решения проблемных вопросов возникающих в процессе деятельности хозяйствующих субъектов.

Маълумки, жамоа шартномалари меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни нафакат тартибга солишчи, балки уларнинг баркарорлигини таъминловчи ички меъёрий ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. “Ўзбектелеком” АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2010-2011 йилларга мўлжаллаб тузилган ягона жамоа шартномасининг 2010 йилда бажарилиши якунлари “Бухоро Телеком” филиали маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси томонидан бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилганлигини кўрсатди.

Жамоа шартномасининг, айниқса, ижтимоий имтиёзлар банди ижросига алоҳида эътибор берилганлигини куйидаги далил ва рақамлардан ҳам билиб олиш қийин эмас. Филиал бўйича 2010 йилда ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 266,0 минг сўмни ташкил қилиб, бу Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 6,4 баробарига тенг бўлди ёки 2009 йилга нисбатан 1,4 баробарга кўпайди. Бундан ташқари, ходимларнинг ҳар ойда ўз маошига қўшимча равишда 78,9 минг сўмдан олгани ҳам жамоа шартномаси талабларига тўла мос келади. Иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан доимий равишда олиб берилган мониторинг ишлари бу борада қўйилган самарани берди, албатта.

Жамоа шартномасининг муҳим бўлимларидан бири бўлган меҳнат муҳофазаси бўйича 2010 йил давомида жами 35673580 сўм миқдорда маблағ сарфланди. Жумладан, иш жойларида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш мақсадида 7841,9 минг сўм, мах-

сус кийим-бош сотиб олиш учун 15360,8 минг, кабел-пайвандловчилар учун сут ва шарбат маҳсулотлари сотиб олишга 1485,2 минг, 520 нафар ишчи-ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун 2384,9 минг сўм маблағ сарфланди. Ногирон фарзандларни тарбиялаётган ҳамда вафот этган алоқа ходимлари оилаларига вақти-вақти билан моддий ёрдам бериб борилаётгани ҳам ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналишларидан биридир.

“Бухоро Телеком” филиалида жамоа шартномасининг 2010 йилда бажарилишига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шулар хусусида батафсил сўз юритилди. Кун тартибидagi масала юзасидан сўзга чиққан вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олия Шукурлаева, филиал директорининг ўринбосари Исоқ Исмоилов, Жондор тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Рамазон Расулов, филиал меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича етакчи мутахассиси Абдужаббор Атамуродов, Вобкент ТБ касаба уюшмаси кўмитаси раиси Исомилдин Наимов ва бошқалар жамоа шартномалари ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашнинг муҳим кафолати эканлигини, бинобарин, бу муҳим ҳужжатнинг ҳар битта банди ижросига жиддий эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидладилар. Муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган қарорда корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, спорт-соғломлаштириш ишларини давр талаблари даражасида ташкил этиш, ишловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий-маърифий ишларни жонлантириш юзасидан бажарилиши лозим бўлган бир қатор амалий ишлар ўз ифодасини топди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг

Бухоро филиалида ўтказилган йиғилишда ҳам ушбу филиал ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 2010 йил давомидаги бажарилиши кенг муҳокама қилинди. Филиал ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йили 259,0 минг сўмни ташкил этганлиги, бу кўрсаткич республикамизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 6,3 баробарига тенг эканлиги таъкидланиб, филиал ходимларининг бир қатор тўловларига қўшимча тўловлар тўланганлиги, меҳнат таътили ва пенсияга чиққан ходимларга, қариндош-уруғлари вафот этган кишиларга моддий ёрдам пуллари берилганлиги йиғилишда тилга олиб ўтилди. Кўп болали ва кам таъминланган оилаларга жами 3776 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилганлиги, 7 нафар ходимнинг санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштирилганлиги, почта соҳаси ишчи-хиз-

димлари зиммасига юксак масъулият юклаб, уларнинг янада самарали ишлашларини тақозо этади. 2010 йилдаёқ бу борада қўйилган натижаларга эришилганлиги эътиборга лойиқдир. Коммунал тўловларни аҳолидан тўплашда яхши натижаларга эришган пешқадам соҳа ходимларининг муносиб равишда моддий рағбатлантирилганлиги мазкур йўналишдаги имкониятлар етарли эканлиги далилидир.

Йиғилишда меҳнат таштиллари жадвалига риоя қилиниши, сиҳаттоҳлар ва дам олиш уйларида имтиёзли йўлланмалар берилишига эришиш, ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқув машғулотларини ўтказиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ бир қатор амалий таклифлар билдирилди.

Худди шундай йиғилиш “Матбуот тарқатувчи” шўба корхонасида ҳам ўтказилиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Барча йиғилишларда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида белгиланган муҳим устувор йўналишлар бўйича батафсил маълумот берилиб, соҳа ходимлари олдига турган энг муҳим вазифалар юзасидан апрофлича фикр алмашилди.

Йиғилишларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими муdiri Шаҳноза Толипова, вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Аҳад Жумаев сўзга чиқдилар.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинганлиги соҳа ходимлари зиммасига юксак масъулият юклаб, уларнинг янада самарали ишлашларини тақозо этади.

матчилари фарзандларидан 78 нафарининг ёзги таътили болалар оромгоҳида мазмунли ўтказганлиги ва шу мақсадга 9230,0 минг сўм сарфланганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари доимий назоратда бўлиб, айнан шу йўналишдаги ишлар учун 914,6 минг сўм сарфланди. Жумладан, 43 нафар ходимга 430 минг сўмлик оёқ кийим олиб берилди. Ходимлардан бир неча нафари (зарарли иш шароити ҳисобга олинган ҳолда) 484,6 минг сўмлик сут маҳсулотлари билан таъминланди.

Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинганлиги, турган гапки, соҳа хо-

Ишчи-ходимларга тўланадиган ўртача бир ойлик иш ҳақи қарийиб 255 минг сўмни ташкил этди. Филиалда меҳнат хавфсизлиги ва иш жойларини тартибга келтириш учун жами 22 млн. сўмдан ортиқ, ишчи-ходимларни махсус кийим бош билан таъминлаш учун 34 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, иқлим шароити учун 276 нафар ишчи-ходимларга 39 млн. сўм, оғир ва зарарли иш шароити учун 133 нафар ишчи-ходимга 19 миллион сўмлик устам ҳақ тўланди. Соҳада узок йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган 967 нафар ходимга узлуксиз иш стажини учун 259 миллион сўмдан зиёд қўшимча ҳақ берилди. Нафақа ёшига етиши ва юбилейлари муносабати билан 69 нафар ходим рағбатлантирилди. Бу мақсадга 9 миллион сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди. Навбатдаги меҳнат таътилига чиққанда 1098 ходимга 154 миллион сўмдан кўпроқ, биринчи марта оила қурган 18 нафар ходимга қарийиб 9 миллион сўм, 17 нафар нафақага чиққанларга 5 миллион сўмликдан кўпроқ моддий ёрдам пуллари тўланди. Ходимларнинг 200 нафар фарзандларини соғлом-

лаштиришга 19 миллион сўмдан кўп маблағ сарфланди.

Яқинда “Фарғона Телеком” филиалида жамоа шартномаси бажарилишига бағишланган анжуманда юқоридаги рақамлар таҳлил этилди, хулосалар ясалди. Ноанъанавий тарзда ўтган анжуманда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликлар, эътибордан четда қолган масалалар ҳам очик-ошқора тилга олинди.

Анжуманда Агентликнинг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Носиров, “Фарғона Телеком” филиали директори ўринбосари Ботиржон Мамажонов, касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳусанбой Абдурахимов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Юнус Гафуров фаолиятни янада яхшилаш, муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз таклиф-мулоҳазалари ва йўл-йўриқларини билдирди.

Ҳ.АСҚАРОВА

Фаолиятни янада яхшилаш зарур

“Ўзбектелеком” АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасидаги меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тузилган “Ягона жамоа шартномаси” мажбуриятларини бажариш юзасидан “Фарғона Телеком” филиали билан вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси қатор диққатга сазовор ишларни амалга оширилди.

Бу эса ишлаб чиқариш кўрсаткичларида аниқ намоён бўлди. Вилоят корхона-ташкilotлари ва аҳолисига салкам 9 млрд. 107 миллион сўмлик телекоммуникация хизматлари кўрсатилди. Даромад режаси 120,5 фоизга адо этилди. Аҳолига ўтган йилга нисбатан 24,1 млн. сўмдан ошди — 3 млрд. 849,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари тобора шаклланиб бораётган жараёнда филиал ишчи-ходимлари Ягона жамоа шартномасида белгиланган қўйилган ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиб келмоқдалар.

Зиё улашиб

Марғилон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс маркази тўрт йилдан буён аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Марказ 6869та китоб захирасига эга бўлиб, 5722та бадий адабиёт, 919та илмий-оммабоп, 107та ижтимоий-иктисодий, 90та маълумотнома лугат, 31та услубий адабиётдан иборат. 10тадан ортик матбуот нашрлари тахлами мавжуд. 20 ўринли ўқув зали китобхонлар ихтиёрига бериб қўйилган, бу ерда 4та компютер ва 1та нуска кўчириш аппарати ишлаб турибди.

Марказ ходимлари шаҳардаги 33та умумтаълим мактаблари кутубхоналарига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида бириктириб қўйилган. Йил давомида идоралараро кенгаш иш режасига кўра, навбатии билан ҳар бир ходим ўзига бириктирилган мактаб кутубхоналарига услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Чунончи, адабиётларни оммавий ва кўргазмали тарғиб қилиш, мактаб кутубхоналарида каталог ва картотекалар ташкил этиш, кутубхона иш ҳужжатлари ва китобхон формаларини тўғри юритиш ҳақида маслаҳатлар берилмоқда. Бундан ташқари, китоб фонди ББК жадвали асосида жойлаштирилди. Бир неча мавзуларда ва муҳим саналарга бағишланиб бурчаклар ва китоб кўргазмалари ташкил этилди. АРМ услубчиси Дилбар Мусажонова томонидан мактаб кутубхоналари учун методик материаллар ва тавсиявий рўйхатлар ишлаб чиқилиб, барча кутубхоналарга тарқатилган.

Марказ ходимлари шаҳардаги 1, 3, 5, 18 ва 19-мактабга таълим муассасаларига ҳам услубий ёрдам кўрсатишмоқда. Кичкинтойларнинг “Эртақлар оламига” саёҳати ва турли машғулотларда муассаса ходимларига амалий ёрдамларини аямаяптилар.

Яқинда марказда ташкил этилган “Бир асар тақдироти” тадбирига Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, фарғоналик шоира Муҳаббат Иброҳимова тақлиф этилди. Унинг “Фидоийлар керак Ватанга” китоби асосида ўтказилган тадбир ўқувчиларнинг китобга бўлган қизиқишларини янада оширди.

Тадбирда АРМ ходимлари Ҳилола Муҳитдинова ва Муҳайё Тожибоевалар йиғилганларни шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан таништиришди.

Замонавий ахборотнинг янги ташувчиларини кутубхоначилик ишига татбиқ этиб, ўқув муассасалари ҳақида аҳолига ахборот хизмати кўрсатишнинг тизимли характерини таъминлаш, шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш мақсадида марказ 18 турдаги илмий-оммабоп электрон дарсликлар билан таъминланган. Ҳозирда марказ ходимлари Жаҳар Муҳитдинов, Нигора Қоплонова ва Акрам Иброҳимовлар томонидан 14та номдаги электрон дарсликлар яратилмоқда.

АРМ етакчи мутахассиси (библиограф) Наргиза Маҳмудова томонидан фаол китобхонлар билан биргаликда “Баркамол авлод — жамият тараққиётининг етакчи кучи”, “Элим деб, юртим деб, ёниб яшаймиз”, “Довонлар оша баркамоллик сари”, “14 январь — Ватан ҳимоячилари куни”, “Сўз мулкининг султони”, “Конституция — адолат ва маънавий мезони” номли китоб кўргазмалари ташкил этилган.

Эътироф этиш жоизки, бу ерда библиограф ташаббуси билан услубий қўлланмалар, эсдаликлар, тавсиявий рўйхатлар ишлаб чиқилган бўлиб, шу билан бир қаторда ўлкашунослик дарслари ташкил этилган. Ушбу дарсада жадвал асосида ўқувчиларга “Водий жаҳоири” номли видеофилм намойиш қилиб келинмоқда.

— “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғинида кўчма кутубхона ташкил этганмиз, — дейди марказ раҳбари Муборак Узоқова. — Маҳалланинг 50га яқин фуқароси фаол китобхонлардан ҳисобланади. Маҳаллада яшовчи Мақсуда Тешабоева, Муҳаббат Шарипова сингари 8 нафар ногирон ўқувчиларни доимий равишда бадий китоблар билан таъминлаб турибмиз. Маҳалла идорасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Оилала фарзанд дунёга келибдики, ҳар қандай ота-она яхши ниятлар билан фарзандига ўзига мос ишм қўйишади. Бундан ярим аср олдин Қўшрабтдаги Дастам ота хонадониди дунёга келган чакалокка ҳаётдан доимо завққа тўлиб юрсин дея, Илҳом деб исм қўйдилар.

Меҳнатдан бахт топди

Мактабда ўқиб юрган чоғларидан илмга, техникага чанқоқ бўлган Илҳомжон мактабни битиргач Каттакўрғон техник алоқа ишлаб чиқариш корхонасида электромонтёр, ҳарбий хизматни тугатиб қайтганидан кейин эса Қўшрабт туман техник алоқа ишлаб чиқариш корхонасида электромонтёрлик касбини давом эттирди.

1984 йилдан 2004 йилгача — йигирма йил давомида (телекоммуникация ва почта алоқаси битта корхона эди) шу корхонада муҳандис, иқтисодчи ва боғлама бошлиғи вазифариди фаолият кўрсатди. Шу орада у 1991 йили Новосибирск шаҳридаги Электротехника алоқа олийгоҳини сиртдан тугатиб, олий маълумотли иқтисодчимуҳандис даражасини олди.

“Уша йиллари, — деб эслайди Илҳом Иброҳимов, — туман почта бўлимида ишлар эдим. — Автобазадан почта хат-хабарлари, газета-журнал-

лари ва жўнатмалар учун мас-сус ГАЗ-66 автомобиллари ажратилган эди. Газеталарни етказиш учун автомобиллар тўрт йўналиш бўйича ҳаракатланар эди.

Каттакўрғон шаҳрига почта поезди билан келган почтани 150 км. масофадан олиб келар ва Жўш йўналишидаги энг узоқ ва оғир йўналиш — 11та алоқа бўлими учун 240 км. масофа, Зарметан йўналишида 10та алоқа бўлимига (190 км.) ва Иштихон йўналишида 3та алоқа бўлими учун 80 км. ҳамда Халқобод йўналишида 90 км. масофа босиб ўтилар эди. Шундай кунларда мен ўз ишимдан мамнун, чарчоқ нималигини билмасдан меҳнат қилардим”.

Илҳом Эски Қўшрабт почта алоқасида 40 йилдан зиёд хабарчи бўлиб ишлаб келган Омон Бобомуродовни, 35 йилдан зиёд туман алоқа туганида бошлиқ бўлиб ишлаган Абдуғани Ҳасановни, 45 йилга яқин алоқа бўлимлари

TO'YXAT

бошлиғи бўлиб ишлаган Жо-зил Отақулов ва Раҳматулло Улашевларни ўзига устоз деб билди ва улардан почта алоқаси сир-асрорларни тириш-қоқлик билан ўрганди.

Шу билан бир қаторда, ўзи бир қанча шоғирлар тайёр-лади. Урганжи алоқа бўлими бошлиғи Ҳикмат Омонов, ту-ман почта алоқаси боғламаси ишлаб чиқариш йўриқчиси Абдуғафур Йўлдошев, алоқа бўлими хабарчилари Шодиёр Мелиев, Хонимой Худойбер-диевалар ўзларини Илҳом Иброҳимовнинг шоғирлари деб билдилар.

Илҳом турмуш ўртоғи Са-одат билан икки ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Катта қизи Лобар тикувчи-тадбирчи, катта ўғли Рустам Тошкент давлат архитектура қурилиш инсти-тути талабаси, Ўқтам тадбир-кор, кичик қизи Фазилат коллеж талабаси.

Ота касбини улуғлаб меҳ-нат қилаётган Илҳом Иброҳи-мов 2004 йилдан то бугунги кунгача “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали почта алоқасини ташкил этиш бўлими бошлиғи вазифариди меҳнат қилмоқда. Уни 50 ёши билан табриклаб, доимо эл-юрт хизматида меҳнат қилиб ҳеч қачон чарчаманг, деймиз.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Хабар”нинг Самарқанд
вилоятидаги муҳбири

DIL IZHORI

Қадрӣ баланд инсонлар

Яккабоғни бир боғ деманг, минг боғи бор, дейишади яккабоғликлар. Бу ерда етиштирилайтган сархил мевалар кўзини камаштиради. Кишлоқ хўжалиғи ва бошқа соҳалар сингари алоқа ва ахборотлаштиришга ҳам илғор ахборот-коммуникация технологиялари аллақачон кириб келган. Рақамли алоқа каналлари, интернет, замонавий почта алоқаси хизмати кабилар шулар жумласидандир.

Айниқса, туман аҳлига намунали почта алоқаси хизмати кўрсатишда кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга алоқачиларимизнинг ўрни беқийс. Шулардан бири Яккабоғ почта алоқаси тармоғининг пенсия бўлими бошлиғи Муҳаммади Каримовдир.

Муҳаммади Каримов 35 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилади. У меҳнат фаолиятини

1976 йилда газета ташишдан бошлаган. Соҳани янада яхшироқ ўзлаштириш мақсадида 1977-1979 йилларда Тошкент политехникумида таҳсил олган. Шу йиллар давомида Муҳаммади Каримов туман почта алоқаси тармоғида масъулиятли вазифарларда ишлади. Узоқ йиллар обуна бўлимни бошқарди.

Муҳаммади Каримов ҳозирда пенсия бўлими бошлиғи вазифариди ишлаб келар экан, ўзининг ҳалол меҳнати билан жамоада обрў-эътибор қозоняпти. Яқинда тармоғимизда Муҳаммади ака меҳнат фаолиятининг 35 йиллиғи ҳамда таваллуд кунлари муносабати билан шоғирлари, алоқа бўлимларидан вакиллар тўпланиб, у кишининг бой меҳнат тажрибаси ҳақида гапиришди, келгуси ишлари ва шахсий ҳаётида омад тилашди.

Муҳаммади Каримов ёшларга, ҳар бир ходимга ғамхўр ва меҳрибон. Почта алоқаси ишларини ривожлантиришда, туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатишда ўз тажрибасини ўргатиб келади. Ўз навбатида, биз ҳам Муҳаммади акага газета орқали дил изҳорларимизни билдиришни лозим топдик. Умрингиз узоқ, соғлигингиз мустаҳкам бўлсин, Муҳаммади ака!

Каримжон ЭРҲАШЕВ,
Яккабоғ тумани

Хулосат

Инсонларда умид бўлмаса эди, ҳаёт лаззати йўқоларди.

“BEELINE”НИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ АБОНЕНТЛАРИ УЧУН

“Beeline” ягона алоқа оператори Фарғона вилоятининг рақам сифими ўзгарганлиги билан боғлиқ ҳолда вилоятдаги баъзи абонентлар рақамларининг префикслари (биринчи 3та рақам) алмашганлиги ҳақида хабар беради.

1. Агар рақам (+99891) 900дан бошланса, бу рақамлар (+99891) 112га ўзгаради.
2. Агар рақам (+99891) 901дан бошланса, бу рақамлар (+99891) 113га ўзгаради.
3. Агар рақам (+99891) 922дан бошланса, бу рақамлар (+99891) 142га ўзгаради.
4. Агар рақам (+99891) 977дан бошланса, бу рақамлар (+99891) 114га ўзгаради.

“Beeline” абонентлар учун уларнинг яқинларига рақамнинг ўзгарганлиги ҳақидаги хабарни етказиши. Ушбу ўзгариш билан боғлиқ ҳолда абонентлар 30 дақиқалик бепул мулоқот билан таъминланадилар. Ушбу дақиқалар Ўзбекистон бўйлаб чиқиш қўнғироқларининг амалга оширилиши сабабли пуллик сарфланиши ҳам мумкин. Рақамларнинг ўзгариши бўйича ишлар 2011 йилнинг 25 февралдан бошланади. 25 февралдан сўнг ўз рақамини текшириш учун *148# ёки *1001# командаси теририлиши керак. Бунда тариф аввалгидай қолади.

“Ucell” 3.75G ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШГА ТУШИРДИ

“Ucell” матбуот хизматининг хабар қилишича, компания мамлакатимизда биринчи бўлиб HSPA+ технологиясини ишга тушириб, 39 Mbps ахборот узатиш тезлигига эришди.

Мазкур технология норасмий равишда 3.75G деб номланади ва у 3G ҳамда 4G орасидаги технологик бўғиндир. HSPA+ (High Speed Packet Access) симсиз кенг қамровли алоқа технологияси бўлиб, пакетли маълумот узатишни ишлатади ва WCDMA/UMTS учинчи авлод узли алоқа технологияси устқурмасидир. HSPA+ тармоқ ҳажмини кенгайтиради ва ахборот узатиш тезлигини сезиларли даражада оширади.

HSPA+ технологияси билан жиҳозланган 3G тармоқ тести “Ucell” томонидан Nokia

Siemens Networks (NSN) ёрдамида ҳамда Huawei терминаллари билан амалга оширилди ва маълумот узатишнинг 39 Mbps га тенг максимал тезлигига эришилди. Huawei компаниясининг HSPA модеми ва амалдаги “Ucell”нинг 3G тармоғи тест мақсадларида ишлатилди.

Янги технология асосидаги юқори тезликдаги интернет Тошкент шаҳридаги “Ucell” абонентлари хизматига мунтазир. 2011 йил давомида мазкур тармоқ бошқа ҳудудларга ҳам кенгайтирилади.

HSPA+ технологиясининг назарий максимал тезлиги 42.2 Mbpsга тенг. “Ucell” энди янада каттароқ тезликдаги мобил ахборот узатиш ва янада аниқ овоз алоқасини тақдим қилишга қодир.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан “СТОЖАРИ” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларини куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001045 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 18 февралдан тугатилади.



КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГАНИБ

Марғилон шаҳридаги педагогика коллежи ахборот-ресурс марказида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” юзасидан тadbир ташкил этилди.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси шаҳар кенгаши, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси шаҳар бирлашган кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тadbирда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда “Иқбол”, “Ёрқин” маҳаллаларида истиқомат қилувчи ёшлар иштирок этди.

Тadbирда сўзга чиққанлар Концепцияда белгилаб берилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларга тўхталиб ўтдилар.

Тadbир сўнггида иштирокчилар ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан ташкил этилган “Президент асарларини ўрганамиз”, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада ривожлантириш концепцияси” деб номланган китоб кўргазмалари, йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар билан яқиндан танишдилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

“ALISHER RIVOJ” NODAVLAT TA'LIM MUASSASASI

Абитуриентларни қуйидаги олий ўқув юртларига тайёрлайди

ТИББИЁТ, СОЛИҚ, ОЛИЙ МИЛИЦИЯ АКАДЕМИЯЛАРИ, ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЖАҲОН ТИЛЛАРИ, ПЕДАГОГИКА, ТЕХНИКА, ИҚТИСОДИЁТ, ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ, МОЛИЯ, ФАРМАЦЕВТИКА, ПЕДИАТРИЯ, ЮРИДИК, ШАРҚШУНОСЛИК, БОЖХОНА ИНСТИТУТЛАРИ ҳамда СИНГАПУР, ВЕСТМИНСТЕР, ТУРИН УНИВЕРСИТЕТЛАРИ.

Шунингдек, 3-6 ойлик РУС ва ИНГЛИЗ тилидан сўзлашув курслари мавжуд. Тингловчилар синов асосида қабул қилинади. Дарслар малакали ўқитувчилар томонидан дарс соатлари узайтирилган ҳолда олиб борилади. Биз дарсларнинг сифати ва самарали натижасига қафолат берамиз.

Xabar да

рекламани жойлаштириш

Телефонлар: 288-40-66,
288-40-69.
Факс: 288-40-72.

E-mail: info@xabar.uz



ЮРТ ХИЗМАТИ — ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ўртасида 2007 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги харбий кутубхоналарнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги АКМлар билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш режасини амалга киритиш тўғрисида”ги қўшма қарори ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази мана бир неча йилдирки, вилоят Мудофаа бошқармаси тасарруфидаги харбий қисмлар билан ҳамкорликда иш олиб бормокда.

Яқинда Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ходимлари томонидан Андижон гарнизони тасарруфидаги 45605-харбий қисмда “Юрт хизмати — олий саодат” мавзусида анжуман ўтказилди.

Тadbирни ушбу харбий қисм хотин-қизлар кўмитаси раиси Замирахон Раҳимбердиева очиб, тadbир қатнашчиларини Ватанимиз ҳимояси ва равнақи йўлида олиб бораётган муваффақиятли хизматлари билан қутлади.

Андижон давлат тиббиёт институти катта ўқитувчиси Омонулло Абдусаломов юрт тинчлиги азал-азалдан марду майдон йиғитлар зиммасига юклатилганлиги, бу анъана ҳозирги кунда ҳам давом этиб келаётганлиги, юрт хизмати Ватанимиз совбоқларининг шарафли вазифаси ва масъулиятли бурчи эканлиги ҳақида сўз юритган бўлса, вилоят АКМ бўлим мудирини Замирахон Шаҳобитдинова ўз маърузасида Ватанга бўлган муҳаббат, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган аскарлар ҳаётида китоб ўқиш маданиятининг ўз ўрни борлиги, харбий хизматчилар, харбий ишчи ва хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий тафаккурини такомиллаштиришда харбий кутубхоналар ҳамда ахборот-кутубхона марказининг ўзаро ҳамкорлик фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Анжуман аскарлар ўртасидаги қизиқарли савол-жавобларга уланиб кетди. Тadbир иштирокчилари томонидан берилган саволларга оддий аскарлар: Азизбек Раҳимов, Сардорбек Тожиёв, Дадаҳон Мустафоев, Баҳодиржон Раҳматов ҳамда Шерзодбек Тўхтабоев аниқ ва тўлиқ жавоб бердилар. Савол-жавобларда фаол қатнашган аскарлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Муаттар ШОКИРОВА,
Бобур номидаги Андижон вилояти
АКМ етакчи кутубхоначиси

Мурожаат учун телефон:
(+99893) 385-70-14.
Манзил: Чилонзор тумани,
Нақонлик кўчаси, 1-уй,
2-қavat, 4-5-қоналар.
Мўлжал: “Чилонзор” метро бекати,
Республика кўрак жарроҳлиги
институти рўпарасида.

Ўзбекистон учта ЖЧга даъвогарлик қилмоқда!


Ўзбекистон футбол федерацияси учта жаҳон чемпионати мезбонлиги учун ариза топширган. Мамлакатимиз 2013 йили U20, 2014 йили 17 ёшгача бўлган қизлар ўртасида жаҳон чемпионатларидан ташқари, 2012 йили 20

ёшгача қизлар ўртасидаги ЖЧга ҳам мезбонликка даъвогарлик қилмоқда.

ЎФФ даъвогарлик аризасини маълумотларни ўз ичига олган қалин китоб ва диск шаклида ФИФАга тақдим этган.

Шунингдек, ФИФАнинг 2013 йилги Конгресси ҳам Тошкентда ўтиши кутилмоқда.

Демак, ФИФАнинг 1-3 март кунлари бўлиб ўтадиган Ижроқўм йиғилишида ЎФФ президенти Мирброр Усмонов нутқ сўзлайди.



Олимпиадага тайёргарлик

Капалзе-Мифтахутдинов бошчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Туркияда назорат учрашувларини ўтказмоқда.

Олимпиячиларимиз 23 феврал куни Туркиядаги ўқув-машгулот йиғинлари доирасида ўзининг навбатдаги ўртоқлик учрашувини ўтказди. Бу сафарги рақиб Арманистоннинг «Бананц» клуби бўлди ва учрашувда вакилларимиз йирик 3:0 ҳисобида галаба қозонишди.

Ўзбекистон — «Бананц» (Арманистон) - 3:0

Голлар: Фозил Мусаев (40), Жасур Ҳасанов (72), Зоҳир Пиримов (86).

Таъкидлаш лозимки, бу олимпия термасининг Туркиядаги учинчи ўйини бўлди. «Бананц» билан ўйингача ўзбекистонлик футболчилар «Шахтёр» билан дуранг (2:2) ва «Неман» устидан галаба (3:2) қозонишганди.

Убайдуллаев учун янги лавозим

Тажрибали мутахассис Аҳмад Убайдуллаев бундан буён бутун Республика бўйича истеъдодли ёш футболчиларни селекция қилиш ишларига раҳбарлик қилади. Бу ҳақда Ўзбекистон футбол федерацияси президенти ўтказган йиғилишда маълум қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Аҳмад Убайдуллаев 2007 йилдан бери Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига (U-21) устозлик қилиб келаётганди.

Мақсад – жаҳон

Чемпионатига чиқиш

Пляж футболли бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон чемпионати саралаш bosқичида иштирок этиши учун 25 феврал куни Уммон пойтахти Маскат шаҳрига жўнаб кетади.



Уммонга 12 нафар футболчи йўл олади. Қизиғи, таркибда Дилшод Ирсалиев, Фахриддин Самегов, Нодир Элибоев, Жамолиддин Шарипов, Рустам Умаров ва яна бошқа таниқли футболчилар бор. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозир бутун дунёда шундай амалиёт қўлланилади.

ОЧЛ ва ОФК

мусобақалари стартда

1 март куни Осиё чемпионлар лигаси мусобақасига старт берилди. Шу куни «Пахтакор» ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ан-Наср» клубини қабул қилади. Ўйин Тошкент вақти билан соат 17:00да бошланади.

ОЧЛда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилувчи яна бир вақилимиз — «Бунёдкор» 2 март куни БААнинг «Ал-Ваҳда» клуби меҳмони бўлади.

Шунингдек, ОФК кубоги баҳсларида иштирок этувчи жамоаларимиз ҳам мусобақаларга киришади. 1 март санасида «Насаф» ўз майдонида «Ал-Ансор» (Ливан)ни қабул қилса, «Шўртан» сафарда «Ал-Қодисия» (Кувейт) билан ўйнайди.



ВЛАДА ЯКШИБАРОВА ХАЛҚАРО ТУРНИР ГОЛИБИ

Ҳиндистонда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган «Aurangabad -2011» халқаро турнирининг яққалик беллашувлари ўзбекистонлик моҳир теннисчи Влада Яқшибарова галабаси билан якунланди.

Мусобақанинг саралаш bosқичида мезбонлар вақилиси Дипа Енгадени 6:0, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учрашиб, асосий турга йўлланма олган истеъдодли теннисчимиз кетма-кет учрашувларда италиялик Мартина Какиоттини 6:2, 6:1, исроиллик Екатерина Турни 6:1, 6:2, япониялик Канае Хисамини 6:2, 6:4, ҳиндистонлик Шармада Балуни 6:1, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Нуфузли мусобақанинг финал беллашувида Влада Яқшибаровага таиландлик Варатчая Вонгтеанчай рўбарў келди. Учрашувда рақибасидан ҳар томонлама устунлигини исботлаган ўзбекистонлик теннисчи 6:1, 6:4 ҳисобида зафар кучиб, халқаро турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

АКРОБАТИКА: УКРАИНАДАГИ ТУРНИРГА

Ўзбекистонлик спортчилар Алия Алимкулова, Ўрбана Ҳақимова ва Комила Аблаева Ўзбекистон термасининг бош мураббийси Рафиқ Шаипов раҳбарлиги остида 24-28 феврал кунлари Украинанинг Винница шаҳрида бўлиб ўтадиган спорт акробатикаси бўйича халқаро мусобақаларга йўл олишди.

Турнир эгалари ва ўзбекистонлик спортчилардан ташқари, унда 200дан ортиқ Россия, Молдова, Поля, Нидерландия, Беларус, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Белгия ва Буюк Британия вақиллари иштирок этадилар.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўқув биноси том қисмининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ўқув хоналари учун мебеллар бўйича **КОНКУРС** таклифларини кутади.

Таклиф муддати 2011 йил 20 мартгача.
Мулоқот учун телефон: 238-64-66



Утганларнинг охираги обод бўлсин

«Ўзбектелеком» АК «ЎзМобайл» филиали Сурхондарё вилояти боғламаси жамоаси боғлама бошлиғи Абдурауф Гулматовга отаси **Абдурайим бобо**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аҳмад ал-Фарғоний номидagi вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаси марказ директори Дилором Шукуровага акаси **Ҳамид ИРМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Марғилон почта алоқаси ходими **Шарофатхон ЖҲАБОВЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг oila аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Шайх Мухтор Вали (1287 йили вафот этган) XIII асрда Хоразмда яшаб фаолият юритган машхур сиймолардан ҳисобланади. У файласуф, давлат ва дин арбоби, мўғулларга қарши кураш йўлбошчиси сифатида тарихда ном қолдирган. Халқ ва миллат манфаатларининг муносиб ҳимоячиси бўлиш бу зотнинг асл исми манбаларда Шайх Мухтор Қози Умар деб келтирилган.

Шайх Мухтор Вали хоразмлик машхур дин ва тариқат пешволари Сайид Аловуддин (Оловхўжа эшон бува), Паҳлавон Маҳмуд (Полвон пир), Саид ато, Занги ато, Сулаймон Боқиргоний (Ҳақим ато), Шайх Камол (Амий), Саид Кулол, Хубби хожа (Эрхубби) каби улуг зотлар билан бир замонда умргузаронлик қилган, улардан айримлари билан устоз-шогирд тутинган. Жумладан, Шайх Мухтор Вали машхур авлиё Паҳлавон Маҳмуднинг пири ҳисобланади. Ёш Мухтор ёшлигидан диний илмларни — калом, ақоид, фикҳ ва шарият ақомлари — фарз ва суннатни, тариқат илмлари — сулук ва мақом, мурид-мурид муносабатларини, маърифат ва ҳақ илмини чин ихлос билан ўрганади. Айниқса, фикҳ илмини чуқур эгаллайди. Дастлаб Кўҳна Урганчдаги мадрасалардан бирида таълим олади.

TARIXIY SIYMOLAR

Илм-урфонда доврў қозонганлиги сабаб қозилик мансабига эга бўлади. Бир қанча муддат мушриф ва мухтасиб бўлиб ишлайди. Айрим фикрларга кўра, у ўзининг умри давомида кураш тушиш, дорбозлик

ҳақидаги маълумотлар мўътабар тарих, таъкира ва вақф ҳужжатлари орқалигина маълум. Шайх Мухтор Вали мақбараси Хоразм вилояти Янгиариқ туманида жойлашган тарихий ёдгорлик ҳисобланади. Дастлаб бир ёки икки гумбазли даҳма қурилган. Кейинчалик хужра-

Шайх Мухтор Вали

(XIII аср)

ва муаллақчилик каби халқ томоша санъати турлари билан шуғулланган. Балки, шунинг учун ҳам кейинги давр халқ сайил ва томошалари яқин-яқинларгача Шайх мақбараси атрофида бўлиб ўтгандир. Чунки, илгари Шайх Мухтор Вали мақбарасининг ёнида каттароқ майдон ва бозорча мавжуд бўлган. Мақбара эса баъзи маълумотларга қараганда, Саид Кулол томонидан 1287 йили, баъзи маълумотларда эса Шайх Мухтор Валининг ўзи томонидан олдинроқ қурилган. Шайх Мухтор Валидан бизгача ўзининг “Манокӣб” асаригина етиб келган. Шайх

ли хонақоҳ бунёд этилган. Шайх Мухтор Валининг аёли ва яқин кишилари учун ҳам мақбаралар қурилган. Мақбара эшикларининг бирида уни ишлаган устанинг номи араб имлосида ёзилган: “Усто Зайниддин ибн Одина Муҳаммад”. Мақбара XIV-XIX асрлар давомида бир неча марта таъмирланган. Охири марта Хива хони Оллоқулихон томонидан 1827 йили таъмирланган. Ҳозирда мазкур обида давлат муҳофазасига олинган. Ушбу муқаддас маскан бугунги кунда зиёратгоҳга айланган.

Анвар МАТНИЁЗОВ,
ТАТУ Урганч филиали ўқитувчиси,
Бобир АЛЛАБЕРГАНОВ,
3-босқич талабаси

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING



Техника асри бизга янги-янги имкониятларни тақдим этаётир. Бугун уйимиздан чиқмаган ҳолда “мўъжизалар қутиси” — компютер орқали дунё янгиликларидан бохабар бўлиш билан бирга, турли китобларнинг электрон вариантини ўқиш имконига эгамиз. Бу борада бизга жаҳон электрон кутубхонаси яқин кўмакчи бўлиши мумкин.

Сиз жаҳон электрон кутубхонаси ҳақида нималарни биласиз? Бизга ёзиб юборинг.

“Хабар”нинг 7 (961)-сонига эълон қилинган “Дунёдаги энг қадимий йўл қаерда жойлашган?” саволига жавоб:

— Энг қадимий йўл Мисрда жойлашган. У Эҳромлар водийси — Гизага элтадиган йўлдир. Унинг ёши 460 йилга тенг. Кўчанинг эни 2 метр, узунлиги 12 километр. У водийни жануби-ғарбгаги Қоҳира тош кони билан боғлайди. Худди шу йўл орқали қадимда Эҳром қуриш учун тош блоклари ташилган.
Эҳсон ҚОСИМОВ
Фарғона вилояти

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси филиали ходими Толибжон ҚАРИМОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолдини кўришликни тилайди.

“Самарқанд Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал маркетинг бўлими бошлиғи, касаба уюшмаси кўмитаси раиси Назоқат МАҲМУДОВАни 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, фарзандлари иқболлини кўришни тилайди.

Биласизми?

- Ҳайвонлар орасида жистига нисбатан энг катта тира бу — чинлоғда!
- Делфинлар бир кўзиди оғиб ўлар жан.
- Қаланичи тўрдаг қан кўпроқ сувбези яшай олади.
- Оқдий булутларнинг баландлиги 10-15 тақирим, кўнчилик булутларники эса 80 тақиримдан зиёд.
- Атлантика ва Ҳинд чинлоғлари ҳамда Арктика ҳавзаси бундан 150-160 миллион йил муқаддам яхши кўрүкликнинг бир неча бўлакка ажралиб кетгани табиғатига зосил бўлган.
- Сўт эмизувчилардан фақат инсон ва фил ўтира олар жан.
- Дунёда ҳайвонлардан фақат орангутан ўзини кўзгуда таний олар жан.
- Ҳолонроқозий бир кунда 76 метр гўшр қазиси тункин.
- Шилиқўртнинг 25 тили тиши бор жан.
- Туркчи белалол кўзиди тўрғай тўғи ер оларсан. Унинг ошқозони ўчун бу завфни эмас.

Хандалар

Тиланчи эшик қоқибди ва эшикни очган аёлга дебди:
— Уч кундан бери ҳеч нарса еганим йўқ...
Семиз аёл ҳаяжон билан сўрабди:
— Вой, сиз ҳам озишга ҳаракат қилиясизми? Айтингчи, бунинг учун нималарга эътибор бераясиз?



ALOGACHILAR IJODIDAN

Жўртликлар

Ҳаётда ютасан кўнгли оқ бўлсанг,
Хасталик чекинар дили чоғ бўлсанг,
Ғам-ташвиш жисмининг емириб аста
Тушакка михлайди гарчи соғ бўлсанг.

Сен етгунча ишон, вояга
Дуч келсан неча сояга,
Бардошингни синайди ҳаёт
Етмай туриб ҳали қоляга.

Яшаймиз қалбларда армон бўлса ҳам,
Ҳаётимиз аччиқ, нордон бўлса ҳам.
Базан узааларга нафимиз тегмас,
Қўлимизда чексиз имкон бўлса ҳам.

Эзгуликдан, қалбингга бир нур
Тушса, дўстим бағишлар хузур,
Олам сенга кулиб боқадиди
Ҳаловатда ўтали умр.

Уйим, ростин айтсам қошона эмас,
Е одам яшамас вайрона эмас,
Қалбимда сен борсан, яшайман Ватан,
Мақсадим, тиллодан остона эмас.
Иброҳим АҲМЕДОВ,
фахрий алоқачи

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳақим МУХИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Мироди ЯНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ❌ Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдор шоҳкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Асияддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p>																							
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кўни чиқади</p>		<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзуси: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-202 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18629 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>																			
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>		<p>Бухорода 223-27-85</p>		<p>Гулистонда 40-12-19</p>		<p>Жиззахда 226-06-34</p>		<p>Навояйда 225-91-10</p>		<p>Наманганда 226-61-85</p>		<p>Нукусда 554-35-45</p>		<p>Самарқандда 233-61-81</p>		<p>Термизда 224-06-12</p>		<p>Тошкентда 288-40-66</p>		<p>Урганчда 226-37-16</p>		<p>Фарғонада 226-87-71</p>		<p>Қаршида 314-08-99</p>	